



# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 25-IYUN, №25 (1222)

BOSH PROKURATURADA



Коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият дунёда ҳам, мамлакатимизда ҳам мураккаблигига қолмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда инфекцияга чалинганлар сонининг кескин ошаётгани, бу касалликнинг аҳоли орасида ҳам тарқалаётгани барчани бирдек ташвишга солиши табиий.

Албатта, мамлакатимизда бу офатнинг таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу чоралар доирасида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар эса бу тоифадаги оилалар учун барқарор тирикчилик манбаларини яратиш, уларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш, шу тариха камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга бўлапти.

Хусусан, қисқа муддатда қўрилган чоралар натижасида прокурорлар секторларида рўйхатга олинган қарийб 104 мингта эҳтиёжманд оиланинг 20 минг 100 нафардан зиёд аззоси доимий, 30 минг 710 нафардан ортинги эса мавсумий ишга жойлаштирилди.

Қарийб 3000 та эҳтиёжманд оилага иссиқхона қуриб берилди, 4800 дан зиёд оилага эса бозорбоп ва биринчи навбатда зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратилди.

Шунингдек, барча эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат ва зарур дори-дармонлар мунтазам етказил-

моқда. Бу оилаларга пул кўринишида берилган ёрдамлар эса деярли 20 млрд. сўмга етди.

Бундан ташқари қатор оилалар чорва, парранда, асалари уялари каби тирикчилик учун зарур бўлган воситалар билан таъминланди. Натижада бугунги кунга келиб ижтимоий аҳоли яхшилангани сабабли прокурорлар секторларида эҳтиёжманд оилаларнинг 45 фоизини камбағаллар рўйхатидан чиқариш учун асослар пайдо бўлди.

Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш узлуксиз давом этиши шарт бўлган жараёндир. Бинобарин, 22 июнь куни Бош прокуратурада ўтказилган селектор йиғилишида прокурор секторларида бу борадаги ишларни кучайтириш, самарадорликни ошириш масалалари танқидий-тахлилий муҳокама қилинди. Жумладан, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида яратиб берилётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш шартлиги таъкидланди. Уларга кўрсатилаётган моддий ёрдамни асоссиз равишда тўхтатиб қўйиш-

га йўл қўймасликнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

Эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлаш бундан бун ҳам устувор вазифа бўлиб қолади. Уларга иссиқхона қуриб бериш ва ижарага ер ажратиш каби ишлар қатъий назоратда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзини ўзи банд қилганларнинг фаолиятини легаллаштиришга, уларга қонунлардаги имтиёزلарни тушунтириш ва мазкур тоифадаги фуқароларни рағбатлантириш орқали улар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш давр талабидир.

Шунингдек, махсус дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш устувор йўналишлардандир.

Секторлардаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш орқали бутун мамлакат бўйлаб эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашни янги босқичга қўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилишда шу ва бошқа муҳим йўналишлардаги ишларни кучайтириш борасида секторлар раҳбарлари олдида аниқ вазифалар қўйилди ҳамда уларни самарали амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Бош прокуратура матбуот хизмати

## СИНОВЛИ КУНЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни кунларда бутун дунё, хусусан мамлакатимизда ҳам коронавирус пандемияси сабаб халқимиз синовли кунларни бошдан кечирмоқда. Бу офат кенг тарқалишининг олдини олишга оид тадбирлар вируснинг халқимиз ҳаётига таъсирини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундай оғир шароитда бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш доимий эътиборда бўлиб турибди. Жумладан, маҳсулотларга ажиротаж талаб вуқудга келишининг олдини олиш учун прокуратура органларида ташкил этилган гуруҳларда 1800 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Ҳозиргача аҳолига қулайлик яратиш учун гуруҳлар томонидан 158 581 та кўча ярмарка ташкил этилган. Уларда аҳолига 155 257 тонна озиқ-овқат, 3,4 млн. дона кўчат, 906 млн. сўмлик уруғ арзон нархларда сотилиши таъминланган.

Доимий деҳқон бозори бўлмаган 15 та тумандаги фуқароларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида 490 та дўконга 221 та ишлаб чиқарувчи, 1259 та фермер ва деҳқон ҳўжалиги ҳамда 11315 та томорқачи бириктирилиб, 14 апрель – 22 июнь кунлари 16200 тонна маҳсулот сотилган.

Урни тўғридан-тўғри сотиб олувчилар рўйхати асослиги ҳамда аҳолига белгиланган нархда сотилиши ўрганилганда, 103 та ҳолатда 369,8 тонна ун тасдиқланган тартибга зид равишда ажратилгани ва 5 та ҳолатда қиммат нархда сотилгани аниқланиб, айбдорларга нисбатан чора қўрилди.

2020 йил 17 мартдан 23 июнга қадар 2078 та ҳолатда жами 5,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар қиммат сотилгани аниқланган ва 2034 кишига маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Аҳоли орасида асоссиз ваҳима тарқатиш бўйича 5 та жиноят иши ва 14 та маъмурий иш қўзғатилган. 2020 йил 23 июнгача карантин қоидаларига риоя этмаслик юзасидан 31 та жиноят иши ва 383 036 та маъмурий иш қўзғатилган.

Давлат санитария-эпидемиология назорати инспекцияси Деҳқонobod филиали раҳбари Р.Э. ҳамда филиалнинг бир гуруҳ ходимлари карантин қоидадини бузган ҳолда ошхонада овқатланиб, спиртли ичимлик ичгани бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилган эвазига Деҳқонobod тумани ИИБ профилактика катта инспекторига 1 млн. сўм пора бераётганда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан филиал раҳбари Р.Э.га нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, даволаш, дори-дармон ва тиббий жиҳозлар учун ажратилган пулларнинг сарфланиши борасида 5 та жиноят иши қўзғатилган. Мисол учун, Миришкор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мансабдорлари жами 56,9 млн. сўм пулни талон-торож қилган. Энди улар қилмиши учун суд олдида жавоб беришади.

Парда НАРЗИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



2020 йил 24 июнь  
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар  
6847 нафар



Соғайганлар  
4588 нафар



Вафот этганлар  
19 нафар

# ТАШАББУС СИЗДАН, КЎМАК БИЗДАН

Мамлакатимизда ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиши, уларда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича беш муҳим ташаббусни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

2017 йилдан бошлаб 30 июнь Ёшлар куни деб белгиланди. Шу муносабат билан июнь ойи юртимизда «Ёшлар ойлиги» деб эълон қилинди. Бу нафақат ёшлар, балки бутун халқимизнинг манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Прокуратура органлари ҳам ушбу ойликда фаол қатнашмоқда. Хусусан, барча ҳудудларда «Прокурор ва ёшлар» онлайн учрашувлари ва бошқа тадбирлар ўтказилляпти.

Июнь ойининг ўтган даврида 5168 нафар ёшлар иштирокида 115 та тадбир ташкил этилиб, йигит-қизларимизнинг 108 нафари ишга жойлаштирилди, 38 нафари касбга тайёрлов курсларига юборилди, 6 нафарига кредит олиши учун тавсиянома берилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 295 кишига ўқув қуроллари ва китоблар совға қилинди. 125 нафарига экин экиш учун вақтинча 32,6 гектар ер, 12 нафарига 647 млн. сўм кредит ажратилишида ҳамда жазони ижро этиш муассасасидаги 2 нафар ёшнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилишида ёрдам кўрсатилди.

Тадбирларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Вобкент тумани прокуратурасининг ёрдами билан «Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси доирасида 10 нафар ишсиз ёшга «Golden Vuxага» агрокластерига қарашли боғдан 40 сотихдан ер ажратилиб, уларнинг бандлиги таъминланган.

Шу каби Олот тумани прокуратураси 23 нафар ёшга вақтинча фойдаланиш учун 9,3 гектар, Қорақўл тумани прокуратураси 88 нафар ёшга 18 гектар, Зомин тумани прокуратураси 4 нафар ёшга 1,2 гектар ер ажратилишида ёрдам берган.

Жиззах шаҳар прокуратураси 4 нафар ёшга иссиқхона ташкил этиш ва чорвачилик билан шуғулланиши учун 30 млн., Зомин тумани прокуратураси 3 нафар

ёшга 80 млн., Бухоро тумани прокуратураси 2 нафар ёшга 12,3 млн. сўм кредит олишига кўмаклашган.

Тадбирларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Масалан, Оҳангарон шаҳар прокуратураси томонидан 6 июнь куни ўтказилган учрашувда тўрт ишсиз – А.Эргашев, О.Абдувоҳидов, Б.Кўчқоров ва О.Абдуллаев «Ideal plast» МЧЖга ишга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, учрашувларда ёшларни маданият, санъат, китобхонлик ва спорт тадбирларига жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Қорақўл тумани прокуратураси китобхонликни тарғиб этиш мақсадида «Бир кунда китоб билан 20 дақиқа» номли онлайн танлов ўтказган, унга юздан ортқк ёшлар жалб этилган.

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Чирчиқ олий танк муҳандислик билим юртининг 30 курсанти ҳамда 15 нафар ёшлар иштирокида пойтахтдаги Адиблар хибёнига ташриф уюштирилган.

Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Масалан, Чортоқ тумани прокуратураси томонидан 8 июнь куни ёшлар билан «Жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилган, ҳуқуқбузарликка мойил 55 нафар ёшнинг холидан хабар олинди, уларга озик-овқат ва китоблар совға қилинган.

Шофёркент тумани прокуратураси эса «Телеграм»да «Прокурор ва ёшлар» каналини ташкил этиб, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бораёпти.

Прокуратура органлари томонидан бу борадаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Муродулла ТУРСУНМЕТОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори



## ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

2020 йилнинг июнь ойи республикамизда «Ёшлар ойлиги» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан Самарқанд вилояти прокуратураси органлари томонидан ёшлар билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар режаси тузилган.

17 июнь куни Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да вилоят прокурори томонидан «Zoom» дастури платформасида вилоят ёшлари билан онлайн мулоқот ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 150 дан ортқк фаол ёшлар қатнашди. Вилоят прокурори ёшларга оид давлат сиёсати юзасидан маълумотлар бериб, ўзининг ҳаётий тажрибаси ва бошқа муҳим масалаларга тўхталди. Учрашувда 15 дан ортқк таклиф билдирилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Нодир ЮСУПОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим прокурори



## ЕВРООСИЁ ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

2020 йил 19 июнда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Молия вазирлиги вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Жинорий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг видеоконференция шаклида ташкил этилган 32-ялпи мажлисида иштирок этди.

Йўналишида Евроосиё минтақасида жинорий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ муҳим масалалар, шунингдек мазкур соҳадаги миллий тизимларни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни қучайтириш чоралари муҳокама қилинди. Жумладан, Евроосиё минтақасида жинорий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарини баҳолаш методологияси ва шу мақсадда ахборот тўплаш усуллари тасдиқланди.

Шунингдек, тасдиқланган ҳужжатлар асосида аъзо давлатлар ва Евроосиё гуруҳи қотибяти вакилларидан иборат лойиҳа гуруҳи ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишни бошлашга келишиб олишди.

Covid-19 пандемиясига нисбатан бутун дунёда нисли кўрилмаган чеклов чоралари қабул қилингани сабабли йиғилиш иштирокчилари жинорий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ янги хавф ва таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларни

камайтириш бўйича Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар томонидан кўрилатган чоралар юзасидан тажриба алмашишди.

Пандемия даврида пайдо бўлган янги таҳдидлар сифатида эса делегациялар томонидан қуйидагилар таянқиланди: онлайн хизматлар сонининг ошиши туфайли кибержиноятларнинг кўпайиши; аҳолини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштиришга нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жалб қилиниши; ижтимоий хизматлар учун ажратилган бюджет маблағларини талон-торож қилиш юзасидан номинал фирмаларнинг фаоллашиши ва бошқалар.

Муҳокамалар натижасида делегациялар юқорида кайд этилган хавф ва таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, бар-тараф этиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

**Сардор ИКРАМОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
департаментнинг бўлим бош инспектори

## ЖАМОАТЧИ ГУРУҲЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси, Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ташаббуси билан «Ёшлар ойлиги» доирасида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги патруль гуруҳлари ташкил этилди.

Дастлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқ-Долда вазиятлар вазириликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Ўзбекистон ёшлар иттифокининг 2020 йил май ойидаги қўшма қарори билан тасдиқланган «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги гуруҳлари тўғрисидаги низомнинг моҳияти ҳарбий прокуратура ходимлари ва мутахассислар томонидан туман мудофаа ишлари бўлимида жамланган ёшларга батафсил тушунтирилди.

Шундан сўнг кўнгилли равишда жамоатчилик гуруҳларига қўшилмоқчи бўлган ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Кўнгилли ёшлар Яшнобод туманидаги ички ишлар ходимларига бириктирилиб, уларнинг назоратида ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда белгиланган ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш борасидаги фаолиятини бошладилар.

Бу жараён қонун бузилишига қарши курашувчи ватанпарвар ёшларнинг ўз имкониятини намоён қилишига замин яратса, иккинчидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Ботирбек СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 23-24 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.

# РОСТ ВА СОЗ СЎЗ АЙТИШ САНЪАТИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1993 йил 24 июндаги фармонига биноан таъсис этилган. 1994 йилдан буён ҳар йили 27 июнь санасини ҳаётини оғир ва машаққатли, шу билан бирга шарафли, халқимизни ахборот билан таъминлашдек олижаноб ишга бағишлаган касб эгаларигина эмас, балки барча юртдошларимиз кенг нишонлайдилар.



Журналистнинг фидойилиги жароҳлик столида беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга масъул шифокорнинг фидойилигидан, юзлаб қорақўзларнинг тақдирини ишониб топширилган ўқитувчининг фидойилигидан кам эмас. Аслида фидойилик ва жасорат барча соҳа кишиларида талаб қилинадиган хислат. Журналистнинг фидойилиги ва жасурлиги эса оммага ҳаққоний ва аниқ ахборот етказиш билан ўлчанади.

Таникли ёзувчи ва журналист Хуршид Дўстмухаммаднинг сўзлари билан айтганда «Журналистлар – жамият контомирида оқаётган ахборотнинг яратувчиларидир. Улар замоннинг зайлини тез илғайдиган малакали, теран дунёқараши инсонлар бўлиши керак».

Мен «Қашқадарё ҳақиқати» (ҳозирги «Қашқадарё») газетасида ишлаб юрган кезларимда матбуотда кўтарилган ҳеч бир муаммо эътиборсиз қолмасди. Фельетон бўлган соҳа раҳбарлари бунга ўзлари учун энг шармандали ҳолат сифатида қарашарди. Ўзим ҳам кўплаб танқидий, таҳлилий мақолалар ёзиб, кўпчиликнинг мушқулини осон қилганман. Бугун-чи? Айримлар ҳатто исм-фамилиясигача келтириб танқид қилсангиз ҳам парво қилмайди.

Журналистлар ҳақида гап кетганда, бу соҳанинг қаттиқ ноини тишлаб ҳам кўрмаган кишилар ижтимоий тармоқларда билиб-билмай, ўйламай уларни кўрқокликда айблаётгани кишига оғир ботади. Икки қатор гапни эплаб ёзиш у ёқда турсин, тайёр матнни тугтмай ўқий олмайдиган айрим раҳбарларни соатлаб тинглаб, олқишлашни билмизу, лекин тунни тонгга улаб, минг бир захмат билан халқимизнинг юрагидagi дардини кўтариб чиқаётган журналистнинг мақолаларига масъуллар эътибор ҳам беришмайди.

Телевидение, радио ва матбуот сафига бутунги кунда интернет журналистикаси, ижтимоий тармоқлар ҳамда фуқаролик журналистикаси ҳам кириб келди. Яъни, янги техник имкониятлар билан шакланган журналистика кўринишлари интерактив журналистика тараққий этишига замин ҳозирлади. Айнан интерактив имкониятлар тугайли интернет омалашди.

Ҳар қандай ахборот интернет орқали тез етказиб берилаётган бутунги кунда ижтимоий тармоқларда газета-журналларнинг "ўлими" ҳақидаги бапоратлар урчи бошлади. Жамиятда муайян фикрли шакланган интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни қандай эканини «Араб баҳори» ва Андижон воқеалари шарҳига оид «чиқиш»лардан яхши биламиз.

Шундай хасталиклар борки, унга чалинган инсон ҳаёти муқаррар ўлим би-

лан тугайди. Унинг номиданок ўлим иси келади. Уни ижтимоий касаллик дейишди. Жамиятдаги тубанлик, ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, эътиқодсизлик тугайли пайдо бўлади бу касаллик. Газеталарнинг муқаррар "ўлими"ни башорат қилаётганлар эҳтимол уларни ҳам ана шундай бедаво дардга чалинган деб ўйлашар. Агар башорат қилинаётганидек «газеталар ўлса», демак, уларни хароб қилган касалликнинг номи – ижтимоий дард. Ўлмаса, башоратчилар оддий лўттибозлардир.

Ваҳоланки, бутун дунёни телефон ва компьютерга кўмиб ташлаган Япония, Ҳиндистон, Хитой ва Франция каби давлатлардаги газета ва журналларнинг адеди қанча эканини биласизми?! Мазкур давлатларнинг ҳукуматлари ҳар бир хонадонга телефон ёки компьютер эмас, газета-журналлар кириб боришини таъминлар экан. Биз-чи?! Нашрлардаги бор обунани ҳам қамайтириб, салкам бир асрилик забардаст газета ва журналларнинг йўқ бўлиб кетишини кинрик қомай томоша қилиб ўтирибмиз.

АҚШда ҳар 1000 кишидан 215 нафари, Норвегияда 588 нафари, Россияда эса 105 нафари газета ўқир экан. Ўзбекистонда эса 1000 кишидан атиги 7 нафари газетхондир. Шундай экан, маънавият ва маданиятдан лоф уриб гапиришга ҳақимиз борми?!

Ниҳоят, бу масала ҳукумат томонидан жиддий кўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сайтига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Лойиҳадан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимиятларнинг газета ва журналлари ходимлари маошларини маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қоплаш, соф фойдани тахририят ҳисобида қолдириш, даврий босма нашрлар ходимларининг малакасини ошириш, хусусан, газета ва журналларнинг электрон наشريни юритишга зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш каби бир қатор муҳим вазифалар ўрин олган.

Айниқса, қарорнинг биринчи бандида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз муассислигидаги даврий босма нашрларнинг фаолиятини сифатли ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратсин» дейилгани газеталарнинг умри тугади

деб қарсақ чалувчиларга муносиб жавоб бўлди.

Эзгу ниятли, бағрикенг халқимиз. Бу бизнинг оммавий ахборот воситаларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Мамлакатимиздаги ўзгаришларга ўзимиз гувоҳ бўлиб, уларни матбуотда ёритаямиз. Газетхонлар биздан сифатли махсулот, яъни танқидий, таҳлилий, шу билан бирга ўқиниш мақолалар кутади. Бу талабларни бажаришда журналистда ёзиш қобилияти ва маҳорат бўлишининг ўзи етарли эмас. У аввало ҳуқуқи поймол қилинган шахсларга ўтқир қалами билан ёрдам бера оладиган, ҳаётда кечаётган воқеаларнинг моҳиятини чуқур англаб етадиган ва уларни ўз фаолиятининг асосий мезони деб биладиган фидойи ва довурак, рост ва соз сўз айтиш санъатини пухта эгаллаган ижодкор бўлиши керак.

Зеро, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид таъкидлаганидек:

Гарчи кўп бўлса-да аймоғи, насли,  
Бу фойий дунёда ёлғон оз яшар.  
Миллат газетадан бошланар асли,  
Газета рост ёзса, миллат рост яшар!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригиде «Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замоналарда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққийёт босқичига кўтарилаётган, очкилик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда» дея таъкидлаган эди.

Тараққийёт сари одимлаётган Ўзбекистонимизнинг шавқати йўлида фидойилик кўрсатадиган, уни ҳар қандай бўхтон ва хуружлардан химоя қилишга қодир ҳамкасбларини касб байрами билан табриклияман.

Демократияни инкор қилмаймиз, бироқ биз дунё сахнида ўзлитимизни асраб қолишга монелик қилмайдиган демократия тарафдоримиз. Бу бутунги тараққийётдан узоклашиш дегани эмас, узоклашмаймиз ҳам. Қолаверса, жаҳон тараққийети бешигини бизнинг аждодларимиз тебратган. Бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз ҳам миллатимиз менталитети, кадриятларини улуғлайдиган фавқулодлардан куч олган. Ҳозирги шиддаткор ахборот асрида хушёрлик, миллат манфаатларига гард юктирмаслик ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим.

Норбўта ГОЗИЕВ,  
«Нидо»


Бугун ҳаётимизнинг бирон соҳасини Оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Юртимиз тараққийоти йўлидаги эзгу максалларни рўёбга чиқариш, истиклол руҳига мос тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний кадриятларни қарор топтириш, халқимизнинг маънавиятини бойитишда журналистларнинг муносиб хизмати бор. Жаҳон матбуоти тарихи оддий бир ҳақиқатни тасдиқлаган: ОАВ мамлакат тараққийотига темирйўл ёки кон санаотидан кам фойда келтирмайди! Жамият аъзоларининг маънавий камолоти нечоғлик зарур бўлса, бу соҳага ҳам шунчалик эҳтиёж бор.

Журналистни жамиятнинг виждони дейишлари бежиз эмас. Негаки, жамият тараққийотининг ҳеч бир қирраси журналистнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди. Ундаги қусурларга муросасиз бўлиб, танқидий, таҳлилий мақолалари билан камчиликларни баргафга этиш пайида бўлади. Француз ёзувчиси Стендаль «Одамзот бахти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган ажиб гоёларни кишилар онгига синдириш буюк санъатдир» деган эди. Ҳақиқий журналист шундай санъатни мукаммал эгаллаган инсонлар тонфасига қиради. Журналистлик осон касб эмас. Шу боис у вақтни қизғанади, изланишни камолот қалити деб билади.

Журналист – ижодкор. Ижодкор эса велосипед ҳайдаб кетаётган одамга ўхшайди, педални айлантириш турмаси йиқилиб тушади. Фақат ўз касбига садокатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган қалами ўтқир журналистларгина халқ орасида чинакам обрў қозона олади. У одамларни фикрлашга, бирор муаммо юзасидан мушоҳада юритишга ундовчи, пировардида, жамият тараққийотига ҳисса қўшувчи, ҳаёт билан ҳамнафас, бошқалардан бир қадам олдинда юрадиган кишидир. Журналистлар жамиятда бўлаётган ўзгаришларни, ижтимоий муҳитни ҳаммадан олдин илғайди, уни тезкорлик билан халққа етказилади.

«Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.





# ЛАВОЗИМИГА ТИКЛАНДИ

Баъзан иш берувчи билан ходим ўртасида низо келиб чиқадиган ҳолатлар учраб туради. 2019 йилнинг ноябрь ойида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судида кўрилган иш бунга мисол бўла олади.

Даъвогар А.Бакирова ўз таризасида 2009 йилдан Қуролли кучлар академиясида чет тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб келгани, 2019 йил 10 сентябрда академия бошлигининг биринчи ўринбосари томонидан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганини баён қилиб, буйруқда ишдан бўшатилишига асос кўрсатилмагани, касабга уюшмаси билан келишилмагани ҳамда бу ҳақда унга олдинроқ хабар қилинмаганини кўрсатиб, бу буйруқни ноқонуний деб топишни, шунингдек, ўзига боғлиқ бўлмаган сабаб билан ишдан қолгани боис жавобгардан шу кунлар учун иш ҳақини ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Ўз навбатида жавобгар тараф ҳам сўз олиб, буйруқнинг

қонуларга асосан чиқарилгани ҳақида фикр билдиради.

Иш ҳужжатларидан кўринадик, академия бошлиғи биринчи ўринбосарининг 2017 йил 1 июлдаги буйруғи билан А.Бакирова чет тиллар кафедрасига инглиз тили ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинади. Шу сабабли 2017 йил 1 июлдан у билан 2018 йилнинг 31 августигача мuddатли меҳнат шартномаси тузилади. Кейинчалик ўзгартириш киритиш йўли билан шартнома 2019 йилнинг 31 августига қадар узайтирилади. Шунингдек, 2018 йил 11 октябрда академия илмий кенгашининг қарори билан А.Бакирова бир йил мuddатга, келгуси конкурсгача чет тиллар кафедрасига доцент лавозимига ишга қабул қилинади.

Ўзбекистон Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси(контракти) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонуларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-қарорининг 5-бандига кўра мuddатли меҳнат шартномалари фақат Меҳнат кодексининг 76-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлган сабабли номуайян мuddатга мўлжалланган меҳнат шартномасини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Назарда тутиш керакки, Меҳнат кодексининг 76-моддасида келтирилган ходим билан мuddатли меҳнат шартномасини тузиш тўғрисидаги рўйхат қатъий чегараланган. Агар ходим билан тузилган мuddатли

меҳнат шартномаси юқоридagi талабларини ҳисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг мuddати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян мuddатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.

Бундан ташқари, Олий таълим муассасаларига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2- ва 3-бандларига кўра педагоглар тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар қиради ҳамда олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти), ўқитувчи-стажёри лавозими беш йил мuddатга танлов бўйича эгалланади.

Юқоридagилардан келиб чиқиб, суд даъвогар билан академия ўртасидаги шартнома асоссиз тузилганини қайд этган ҳолда А.Бакированинг ишдан бўшатилишини ҳам асоссиз деб ҳисоблади.

Бундан ташқари, 2018 йилда киритилган ўзгартиришга асосан меҳнат шартномасининг мuddати 2019 йилнинг 31 августигача узайтирилади. Аммо бу ҳолатда охириги иш кунини ишланмайдиган кунга тўғри келган. Меҳнат кодексининг 13-моддасига биноан эса ушбу кодекс меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлайдиган мuddатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь кунининг эртасидан эътиборан бошланади.

Йиллар, ойлар, ҳафталар билан ҳисобланадиган мuddатлар сўнги йилининг, ойнинг, ҳафтанинг тегишли кунини тугтайди. Календарь бўйича ҳисобланадиган ҳафталар ёки кунлар мuddатига ишланмайдиган кунлар ҳам қўшилади.

Башарти мuddатнинг сўнги кунини ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш кунини мuddат

тугайдиган кун деб ҳисобланади.

Юқоридagи ҳолатда Мустақиллик байрами муносабати билан 31 август ҳамда 2 сентябрь дам олиш кунлари деб эълон қилинган. Бу ҳолатда охириги иш кунини 3 сентябрга тўғри келган.

Шунингдек, даъвогарни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ўз вақтида чиқарилмаган. Бундан ташқари, даъвогар ҳам, кафедра мудири ҳам бу ҳақда хабардор қилинмаган. Шу боис А.Бакирова кафедрани 2019 йилнинг 14 сентябргача, яъни 10 кун ишлаган. Буни дарс жадваллари ҳамда табел кўрсатиб турибди.

Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан мuddатли меҳнат шартномаси мuddати тугаши билан бекор қилинади.

Агар мuddат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этарёса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян мuddатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Иш жойини (лавозими) сақлашни лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

Шуларга асосан суд А.Бакированинг даъвосини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Жумладан, Қуролли кучлар академияси бошлигининг биринчи ўринбосари 2019 йил 10 сентябрда чиқарган буйруқ бекор қилиниб, А.Бакировани чет тиллар кафедрасига доцент лавозимига тиклаш тўғрисида қарор чиқарилди. Шунингдек, мажбуран ишланмаган кунлари учун академиядан даъвогарга 9 миллион 694 минг 320 сўм, адвокат хизмати учун 3 миллион сўм ҳамда маънавий зарар учун 2 миллион сўм ундириш белгиланди.

**Олимжон ШАМСИЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Мирзо Улуғбек туманлараро  
суди судьяси

JARAYON

## ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Китоб инсоният тарихида яратилган буюк кашфиётлардан бири бўлиб, ҳар қандай даврда китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш долзарб аҳамият касб этган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бу соҳани ислоҳ қилишга замин яратди.

Китобхонлик маданиятини ошириш билан бирга пойтахтимизда Адиблар хиббонининг лойиҳасини ишлаб чиқилди ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида кенг қўламли ишлар қилинди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси боис, Эркин Воҳидов, Абдулла Орилов, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова ва бошқа атоқли адиб ва шоирларнинг ҳайкаллари ташриф буюрувчиларга ҳақиқий адабиёт руҳини намоён этиб турибди.

2020 йил 20 май кунини давлатимиз раҳбари Адиблар хиббонига ташрифи чоғида бу боғни адабиёт, маърифат ва маданият масканига айланттириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқува юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказишни тавсия қилди. Тошкент давлат юридик университети-га Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганиш

ва ёшлар орасида тарғиб қилиш вазифаси топширилди. Шу боис 26 май кунини университет ректори Раҳим Ҳақимовнинг «Ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш тўғрисида»ги буйруғи чиқарилди. Ушбу буйруққа асосан ўқитувчи ва талабалар иштирокида Адиблар хиббонига Ғафур Ғуломнинг машҳур асарларидаги образлар ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳолда қизиқарли тадбирлар ва онлайн конференциялар ўтказиб борилмоқда.

Китобхон Ғафур Ғулом ижодини атрофлича ўрганиш экан, асарларидан тарбиявий ва маънавий озуқа олиб боради.

**Ноила МУСТАҒОЕВА,**  
ТДЮУ тил ўргатиш кафедраси катта ўқитувчиси

**Вазирлар Маҳкамаси Ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлади.**

25-ИЮН 2020-Й.  
HUGUQ № 25  
(1222)

5

# ТУБАНЛИК БОТҚОҒИ

ЁХУД БОРСА КЕЛМАС ЙЎЛ

Бирлашган миллатлар ташкилоти цивилизациянинг асосий таҳдидлари — ядро уруши ва экологик фалокат қаторига гиёхвандликни расман қўшгани бежиз эмас. Чунки наркотик моддалар истеъмоли турли жабҳалардаги миллий манфаатларни рўёбга чиқаришга кучли таъсир қилади. Демографик ва ижтимоий хавфсизликка зарар етказди. Шу боис БМТ Бош ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрдаги резолюциясига биноан ҳар йили 26 июнь Халқаро гиёхвандликка қарши кураш куни сифатида нишонлаб келинмоқда.

Айни кунларда аср вабосига айланган гиёхвандликка қарши курашиш жамият олдиде турган муҳим вазифадир. Гиёхвандлик воситаларининг катта миқдорда етиштирилаётгани ва сайёрамиз бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани келажак учун қайғурадиган ҳар бир миллатни ташвишга солиши шубҳасиз. БМТ маълумотиغا кўра бугунги кунда гиёхвандларнинг аксарият қисми 15-35 ёшли йигит-қизлардир. Айни пайтда уларнинг сони 500 миллионга етган. БМТ экспертлари ўтказган тадқиқотга кўра жаҳонда ҳар йили тахминан 200 минг наркоман вафот этаяпти. Статистик маълумотлар бугунги кунда жиноятчилар нарқобизнесдан йилига 400

миллиард доллар даромад олишини кўрсатмоқда.

Бундан маълум бўлаётгани, инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигини емирувчи, гулдек оилаларни пароканда қилувчи гиёхвандликка қарши курашиш нафақат давлатларнинг, балки бутун дунё жамоатчилигининг иши бўлиши керак.

Бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам наркотик ва психотроп воситалардан ноқонуний фойдаланишга қарши мurosасиз кураш олиб борилмоқда. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қоролтириш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини асрашга устувор вазифа сифатида қаралаётган.

Юртимизда «Сурункали алкоғолизм, гиёхвандлик ёки захарвандликка мубтадо бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида», «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон БМТнинг Гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича конвенцияларига қўшилган.

Кўрииб турибдики, мамлакатимизда гиёхвандликка қарши курашиш борасида мустақкам ҳуқуқий асослар яратилган. Аҳоли ўртасида гиёхвандликка қарши изчил тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кези келганда яна шунга айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг маълумотларига қараганда, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда нарқовазиятга ҳос эпидемиологик кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгариб бораётган. Ҳар йили наркотик моддаларнинг ноқонуний айлиниши билан боғлиқ жиноятлар сони аввалги йилларга нисбатан камаймоқда.

Бирок аҳоли ўртасида бошқа бир иллат урчий бошлади. Яъни «Трамадол», «Лирика», «Тропикамид» каби психотроп дориларнинг истеъмоли кўпайгани айниқса ўспирин фарзанди бор ота-оналарни хавотирга солиб қўйди. Сабаби, бу дориларнинг асосий истеъмолчилари беморлар эмас, балки ёш авлод вакиллари эди. Шунинг учун ҳам 2018 йил 22 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга кўра «Трамадол», «Лирика» каби дорилар наркотик моддалар таркибига киритилди. Уларнинг ноқонуний сотилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар қучайтирилди. 2019 йил 6 сентябрда эса давлатимиз раҳбарининг «Дори воситалари ноқонуний айлинишининг олдини олиш чораларини қучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, аҳоли соғлигини асрашга қаратилган чора-тадбирлар-

нинг янада қучайишига замин яратилди. Қарорда Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи зиммасига бир қатор вазифалар юкланди.

Ҳар йили 26 июнь куни анъанавий тарзда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ноқонуний муомаладан олинган гиёхвандлик воситалари йўқ қилинмоқда. Ўтган йилда ўтказилган тадбирда жами 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёхвандлик воситалари ёкиб юборилди. Шу жумладан, 7 килограмм 757 грамм героин, 195 килограмм 415 грамм опий, 56 килограмм 140 грамм гашиш, 557 килограмм 398 грамм марихуана, 130 килограмм 18 грамм кўкнори, 80 килограмм 920 грамм каннабис, 263 грамм синтетик наркотик воситалар ҳамда турли хил психотроп моддалар йўқ қилинди.

Бу борада Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли қучлар қўмондонликлари билан ҳамкорликдаги комплекс режалар ижроси доирасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ёшлар иштирокида тизимли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида 150 га яқин тарғибот, тушунтириш ишлари ўтказилди. Пандемия шароитида бу каби тадбирларни онлайн мулоқот тарзида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, оғунинг қулуга айланганларни даволашдан кўра гиёхвандликнинг олдини олган минг марта афзал. Демак, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, соғлом муҳитда тарбия қўрган фарзанд турли хил иллатларнинг домига осонгина илиниб қомайди. Бир сўз билан айтганда, уйимизни, фарзандларимиз ҳамда яқинларимизни «оқ ажал»дан ўзимиз асрашимиз шарт. Гиёхвандлик — тубанлик ботқоғи, борса келмас йўл эканлигини бир зум бўлса-да унутмаслигимиз лозим.

**Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокурорининг биринчи ўринбосари

FAOLIYAT

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОР

Прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдир.

Навоий вилоят прокуратураси органлари мисолида айтганда бўлсак, 2020 йилнинг ўтган даврида 257 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал қилиниб, 69 нафарига 14,8 млрд. сўмлик кредит, 19 нафарига 199,2 гектар ер ва бино ажратилишида, 12 тасига рухсатнома олиши, 50 тасига муҳандислик тизимларига уланиши ҳамда 107 тасига фаолиятида юзга келган бошқа муаммоларни ҳал қилишга ёрдам кўрсатилди. Мисол учун, Қизилтепа тумани прокуратураси томонидан «Шўробод қуёши», «Навоий тола» МЧЖ ва тадбиркор Р.Нарзиевага суд ҳужжатлари бўйича жами 21,4 млн. сўмлик қарзи ундириб берилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан эса О.Хўжамбердиевнинг муурожаатини кўриб чиқиш давомида «Навоий-азот» АЖдан унинг фермер ҳўжалигига 204 тонна минерал ўғит етказиб берилиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, айни вақтда текширув, суриштирув ва тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган даврда вилоят прокуратураси органларида тергов қилинган 90 та жиноят иши бўйича фуқароларни асоссиз ушлаб туриш, ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатларига йўқ қўйилмаган.

2020 йил 14 майда қабул қилинган «Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни қучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу йўналишдаги фаолиятга янада маъсулият билан ёндашиш лозимлигини белгилаб берди.

Маъкур қонунга асосан энди гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишининг исталган пайтида химоячидан воз кечишга ҳақлилиги, бунга фақат уларнинг

ташаббуси билан ва химоячининг ишда иштирок этишига тергов органи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўқ қўйилиши, бунда адвокат ўз химоясидаги шахс билан холи учрашганидан кейингина химоядан воз кечилганини тасдиқлаши белгиланди.

Химоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт ва бу ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади, суд жараёнида эса суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Фуқарони қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турган ёхуд ушлаб вақтида ваколати доирасидан четта чиққан мансабдорлар жавобгарликка тортилади.

Қонунийликка киритилган ушбу ўзгартиришлар, шубҳасиз, жиноят иши юритиш чоғида инсон ҳуқуқлари кафолатларини қучайтиради, тергов органлари инсон ҳуқуқларини поймол қилишнинг олдини олади.

**Облақул АЗИМОВ,**  
Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Сўнги йилларда юртимизда шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, қурилишни жаддалаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда қурилиш соҳасида давлат бошқарувининг самарали механизмлари жорий этилди.

## ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Шундай бўлса-да, тахлиллар соҳада бир қатор камчиликлар борлигини кўрсатди. Шу боис қурилиш жараёнининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида 2019 йил 20 сентябрда давлат раҳбарининг «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, Бош прокуратура томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.


Ўтган даврда қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратуранинг биринчи ўринбосари раислигида тузилган комиссия муайян ишларни амалга оширган.

Хусусан, 13 та банд ва 37 та топшириқдан иборат «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш тўғрисида»ги чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, вазирлик ва идораларга юборилди. Қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан йўл харитаси тасдиқланиб, ижросига киришилди. Ўтган йиллар давомида капитал қурилиш соҳасида хавф-хатарга энг кўп дучор

бўлган йўналишлар, содир этилган коррупцион жиноятлар тахлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди.

Шунингдек, коррупция ҳолатлари бўйича аҳоли фикрини аниқлаш мақсадида «Ижтимоий фикр» маркази ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда республиканинг барча ҳудудларида буюртмачи, тадбиркор ва қурувчилар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Қурилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда шаҳар-созлик нормалари ва коидалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, 14 та янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Қурилиш вазирлиги фаолиятида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини жорий этиш борасида куйидаги ишлар қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази иш бошлади.



DOLZARB

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини ишга тушириш мақсадида 4,7 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди. Марказ томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими доирасида «Қурилиш ишлари сифати назорати», «Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси» ва «Инвестиция дастуридаги объектлар» ахборот тахлилий тизимлари Тошкент шаҳри ва вилоятда тажриба тариқасида 2020 йилнинг 29 май кунидан (<http://nazorat.me.uz:8888> глобал интернет манзилида) ишга туширилди.

Марказ, шунингдек, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими концепцияси асосида «Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси хулосалари» электрон реестри, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича лицензияга эга давлат ва хусусий корхоналар бераётган эксперт хулосалари, «Архитектура режалаштириш топшириқлари», «Келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари» ҳамда маълумотлар базасини шакллантирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги фармойишига асосан Қурилиш вазирлигида коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» (compliance control) тизимини жорий этиш бўйича вазирлиқнинг буйруғи ка-

бул қилиниб, соҳада коррупция хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, оқибатлари ва сабабларини бартараф этиш ҳамда минимум даражага тушириш ишлари амалга оширилмоқда. Коррупцияга дучор бўлган тендер жараёнларини рақамлаштириш, бу борада ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида «Қурилиш ишлари тендер платформаси» ҳамда «Қурилиш жараёнлари калькулятори» интерактив хизмати яратилмоқда.


Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан Қурилиш вазирлиги ҳузурида Қурилишда техник меъёролар маркази ташкил этилиб, Бош прокуратура томонидан соҳада белгиланган вазифалар ижроси юзасида катъий назорат ўрнатилган.

**Абдураҳим МУҲИДДИНОВ,**

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

**Дилмурод ВАЛИЖАНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим катта ҳарбий прокурори



JINOYAT VA JAZO

## Йўл БОШИДА АДАШГАН ЙИГИТ

**Ёшлик... Бу даврнинг гаштига нима етсин... Бежиз уни умр баҳорига қиёсламайдилар. Айни кўклам пайти чечаклар очилиб, дарахтлар гуллагани каби ёшлик илм олиб, хунар ўрганиладиган, келажак учун мустаҳкам пойдевор қўйиладиган масъулиятли палла ҳисобланади. Қолаверса, бу даврда ёш йигит ва қиз қалбида ўзгача туйғулар жўш уради. Қони қайноқ ёшлар назорат қилинмаса, йўлдан тойишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шунда оқориди шунча таъриф тавсифларга муносиб кўрганимиз ёшликни бебошлик дея аташдан ўзга чорамиз қолмайди...**

Акмал (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хали бир йилдан буён телефонда гаплашиб юрарди. Кузнинг ўрталарида унга совчи жўлатди. Аммо кизнинг онаси Розия опа кизининг ҳали ўқувчи эканлигини, улар билан қариндошлик ришталари борлигини баҳона қилиб, совчиларни қуруқ қайтарди.

Ноябрь ойининг ўрталари эди. Онасига анчадан бери ковок-тумшук қилиб юрган Ойниса мактабга бориш баҳонасида уйдан чиқиб кетди-ю, уч кун уйига қайтмади.

Розия опа синглиси билан уни излай-излай, чойхона ортидаги қурилиши туталланмаган ховлидан топди.

Кизни Акмал йўлдан урган экан. Акмалнинг Ойниса билан бирга бўлганини эшитган онанинг фиғони фалакка чиқиб, йигитнинг ота-онасига, сўнг натижа бўлмагач, ички ишлар бўлимига хабар берди...

Бу орада Акмал яна бир жиноят содир этишга ҳам улгурган эди...

Ўша окшом бир кун аввал Россиядан қайтган Акмални кўргани жўралари меҳмонга келишди. Қуноқ дастурхон атрофида гурунлашиб ўтиришди.

– Қўлингта нима қилиди? – дафъатан сўраб қолди Акмал онаси Нодирдан.

– Э, икки кун аввал уйда йиқилиб тушувдим, – деди Нодир қўлини силаб. – Аввал унча билинмовди, мана энди йиқиб кетди...

– Чиккан бўлмасин қўлинг? – Акмал гамхўрлик билан Нодирнинг қўлини кўздан кечирган бўлди.

– Бизнинг маҳалламизда синган-чиққанни жойига соладиган зўр табиб бор. Қани, кетдик...

Бир уй жўралар ҳаммаси биргаллашиб табибонига жўнашди.

Мактаб ёнидаги йўлда улар рўпарадан келаётган уч йигитга дуч келишди. Йигитлар ўтиб кетгач, Акмалга улардан бири сўкингандай туюлди.

– Тўхта! – деб кичқирди Акмал ўткинчи йигитларга қараб.

Йигитлар хайрон бўлиб тўхташди.

– Қайсинг сўкиндинг? – Акмал уларнинг устига булутдай бостириб борди.

– Ҳеч ким сўкингани йўқ, – деди йигитлардан бири.

Акмал бошқа савол бериб ўтирмади. Йигитнинг жағига мушт туширди. Нима бўлганини англашга ҳам улгурмаган йигит оғзини ушлаб ерга йиқилди... Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти ҳамда Косон тумани судларида Акмал Холмуродовга оид жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, Акмал Холмуродов 2001 йилда тутилган, маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламайди, бўйдоқ. Илгари ҳам жиноят қилиб, жарима тўлаган. Косон туманида яшайди.

Суд мажлисида Акмал қилмишига қисман иқдор бўлди ҳолос. Унинг қайд этишича, муштумзўрликка йигитларнинг ўзлари сабаби бўлган. Улардан бири унинг елқасидан туртиб ўтган, кейин сўкинган. Шу сабабли уни мушт туширган.

Ойниса масаласида ҳам у ўз баҳоналарини қалаштириб ташлади. Қизнинг онаси совчиларини қуруқ қайтаргач, у мақсадига эришиб, унга уйланиш ниятида шу ишни қилишга мажбур бўлган эмши.

Ойниса ҳам суд мажлисида йигитни ҳимоя қилиб, онаси уларнинг турмуш қуришига қарши бўлгани учун бу ишни ўз розилиги билан қилганини қайд этди.

Ойнисанинг онаси Розия Болтаева кизи хали ўн олтига ҳам тўлмагани, мактабда ўқиётганини айтса ҳам Акмал Ойнисани йўлдан уриб, олиб қочганини, унинг келажagini барбод қилганини қайд этиб, унга нисбатан қонуний жазо берилишини сўради.

Суд ҳукмига асосан Акмал Холмуродовга 1 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳа, Акмал қизикқонлик, ҳовлиқмалик билан бебошликка, унинг ортидан жиноятга қўл оרגанини ўзи ҳам сезмай қолди. Ўзи йўл бошида адашган йигит ўн олтига тўлмаган ўқувчи кизни ҳам йўлдан урди... Энди бу қилмишларининг жабрини тортишга тўғри келади.

**Убайдулло САЪДУЛЛАЕВ,**

Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари



## FAOLIYATIDAN

Унда даррахт ва буталарнинг қуриётган ёки қуриб қолган шохларини кесиб тартиби кўрсатилган. Шу билан бирга, бунинг учун хулоса ва рухсатнома олиш тартиби ҳам белгиланган. Бирор сабаб билан юридик ёки жисмоний шахслар даррахт ва буталарни кесадиган бўлса, улардан тўлов ундирилади.

Муниса Сафарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Охан-

# БИР ИДОРАНИНГ УЧ ХОДИМИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Хукуматнинг қарори билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда даррахт ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда даррахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

гарон туманидаги «Эйвалак» МФЙ худудидан нол қийматда бино олиб, у ерда автомактаб очишни мақсад қилади. Бунинг учун аввало бино ва унинг атрофини ободонлаштиришни бошлайди. Шу жараёнда бир туп чинор даррахти қурилишга халақит бергани сабабли уни кесиб ташладан олдин туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат қилиб, рухсат сўрайди. Бўлимда бош мутахассис бўлиб ишлаган Бектош Толипов М.Сафарованинг мурожаатини ўрганиб чиқиб, бир туп чинорни кесиш учун давлатга 1 млн. 500 минг сўм тўлаши лозимлигини айтади. Қолган даррахтларни

эса бутаб, қурилишга халақит қилмайдиган кўринишга келтириб қўйиши мумкинлигини таъкидлайди. М.Сафарова бош мутахассис айтганидек қилиб, бюджетга пул тўлаб бир дона даррахтни кесади ва қолганларини ихчамлаштиради.

Қўшимча бионинг қурилиши тугаб, автомактаб очилгандан сўнг бу ерга Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Зиёд Олимов ҳамда бошқарма етакчи мутахассиси Бахриддин Йўлчиев келади. Улар М.Сафарова билан автомактаб атрофини кўздан кечириб, даррахтлар кесиб ташланганини иддо қилишади

департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари ўтказган тадбирда Б.Толипов жабрланувчидан 2 млн. сўм олган пайтида ашёвий далиллар билан ушланади. Шундан сўнг тадбир давом эттирилади. Б.Толипов ўз навбатида бу пулни Б.Йўлчиевга, у эса бўлим бошлиғи З.Олимовга олиб кириб беради. Шу тариқа экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идорасининг уч нафар ходимининг қилмишига чек қўйилди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди ва айбдорларга нисбатан озоликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Ҳамид НИШОНОВ,**  
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси бўлим катта сурштирувчиси

## БОЛАСИНИ БОЗОРГА СОЛГАН ОНА

Аслида боласига меҳрибонлик фақатгина инсонга хос эмас. Кузатсангиз, ҳайвонлар ҳам боласини асраб-авайлаш учун ўз жонини хавфга қўяди. Бироқ иложсизлик баҳонасида дилбандини бозорга солаётганларнинг қилмишидан ҳайвонлар ҳам хижолат тортса ажабмас.



Шахрисабзлик Қ.Н. учун рўзгор тебратиш кун сайин қийинлашиб борарди. Ишлай деса кўнгилдагидек иш топа олмади. Кундалик харажатлар учун эса пул керак. Қ.Н. пул топиш ҳақида узоқ ўйланди. У ер-бу ердан иш сўраган бўлди. Бироқ эмизикли гўдаги билан ишга жойлаша олмади. Дунё кўзига тор бўлган дамларда боласи оёғига тушов бўлаётгандек туюларди. Кўнглидагини таниши Ж.А.га тўкиб солди ва боқиб оладиган одам топилса, боласини сотишни билдирди.

Буни қарангки, Қ.Н.нинг мушқули осон бўладиган бўлди. «Харидор» бола учун 10 миллион сўм таклиф қилди. Савдо жойи ва куни аниқ бўл-

гач, Қ.Н. ҳали эсини таниб улгурмаган қизалоғини ўраб-чирмаб келишилган жойга борди. Аммо, онанинг орзусидаги 10 миллион сўм бахт келтирмади. Ҳолатдан ўз вақтида хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари одам савдосининг олдини олишди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилиб, айбдорларга жиноят ишлари бўйича Шахрисабз тумани судининг ҳукми билан қилмишларига яраша жазо тайинланди.

**Мадамин МАНСУРОВ,**  
департаментнинг Шахрисабз шаҳар бўлими бошлиғи

## НАФС ҚУТҚУСИ

Нафснинг йўриги бўлак. У ақлга бўйсунмайдиган, қаноат деворини истаган пайтда бузиб кетаверадиган кишиларга ўч бўлади. Нафс қутқуси инсонни хароб қилади. Ҳаётбек Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шунини билиб туриб нафснинг ҳукмига бўйсунма бошлади. Мансабини чўнтак қаппатиришга имконият деб билди.

2017 йилнинг 20 майдан ҳозирги кунга қадар Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника мудир лавозимда ишлаб келган Ҳ.Муродов ўзининг мансаб мавқеини сунистеъмол қилди.

Ҳ.Муродов тиббий кўрикдан ўтиш учун келган фуқароларнинг тўлаган пулларини олиб, газнага топширмасдан, чўнтакка ура бошлаганда ақлинг эмас, нафснинг ўнгитларига қулук сола бошлаган эди.

Ўз-ўзидан келаётган текин даромад уни кўрикдан ўтиш учун мурожаат қилган фуқароларни ортиқча оворагарчиликдан кутқараётган ҳолатбарорга айлантдириб, кўрикдан ўтмас-да, ўтганини тасдиқловчи, ишлашга рухсат берувчи муҳрларни қўйиб бера бошлади. Шу тариқа у пулли тиббий кўрикдан ўтиш учун келган 997 нафар фуқаро тўлаган 53 млн. 800 минг сўм пулни газнага қирим қилмасдан ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Ҳ.Муродов айбдор деб топилди, жиноятчи деган ном олди ҳамда ўзлаштирган пулини давлат бюджетига қайтариб берди.

**Алишер БАЙРОВ,**  
департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚЎЛБОЛА ИЧИМЛИК!

Бозор турли-туман маҳсулотларга бой бўлади. У ерда асил ва қалбаки маҳсулот бирдай сотилишига шароит борлигини унутмаслик керак. Бозоргир маҳсулот борки, тезда унинг қалбакини пайдо бўлади.

Маълумотларга кўра, дунёда истеъмол қилинаётган спиртли ичимликларнинг 30 фоизи қўлбола. Ана шундай хавфнинг олдини олиш мақсадида акциз маркалари жорий этилган. Аммо баъзи одамлар хумори тутганда бунга эътибор ҳам бермайди. Куйичирчиқлик Сергей Мозгуновнинг қўлбола спиртли ичимлик тайёрлаб сотишига айнан шундай шахслар туртки бўлган бўлса ажаб эмас.

Куйичирчиқ туманида департамент ҳамда ДСИ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда С.Мозгунов харидор Тиркаш Чоршанбиевга 0,5 литр самгонни 10 минг сўмга сотган вақтида қўлга олинди. Унинг хонадонни ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, ертўласида қўлбола усулда тайёрланган 343 литр ичимлик борлиги аниқланди. Шунингдек, С.Мозгуновнинг уйдан ушбу ичимлик тайёрлашда ишлатилган асбоб ва идришлар ҳам ашёвий далил сифатида олинди.

Давлат санитария эпидемиология маркази ушбу спиртли ичимлик инсон саломатлиги учун зарарли деб хулоса берди.

Жиноят ишлари бўйича Куйичирчиқ тумани суди С.Мозгуновга қилмишига яраша жазо тайинлади.

**Мирзокул ЮЛДАШЕВ,**  
департаментнинг Куйичирчиқ тумани бўлими бошлиғи

## РАИС АЙБИНИ ТАН ОЛДИ

Кейинги йилларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда ширкатларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколати ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ислоҳ қилинганга қарамадан ҳамон соҳада ўз вазифасини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатлари кузатилмоқда. «УЙК» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Т.К. ҳам ширкатнинг пулларини хоҳлаганича назоратсиз сарфлаб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришни мақсад қилади.

У ўз фаолияти давомида Урганч шаҳрида қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи «Л.» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, жамият раҳбари сифатида бошқа фуқарони расмийлаштиради. Аслида эса ширкат раиси мазкур МЧЖга ҳам ўзи раҳбарлик қилиб, «Л.Р.» МЧЖ билан қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида 150 млн. сўмлик пудрат шартномаси тузади. У ушбу шартнома асосида жами 73 млн. 186 минг 417 сўмлик таъмирлаш ишларини бажарилган деб кўрсатиб, аслида бажарилмаган 28 млн. 762 минг 520


сўмлик ишларни далолатномаларга кўшиб ёзди ва шунча пулни талон-торож қилади.

Иқтисодий жиноятларга қарши куралиш департаменти Урганч шаҳар бўлими ўтказган ўрганишда «УЙК» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 2017 йил ва 2018 йилнинг январь-февраль ойлари давомида ушбу ширкатга қарашли кўп қаватли хонадонларда япловчи аҳолидан нақд 24 млн. 914 минг 200 сўм бадал пули йиғиб олинди, банкка топширилмагани ҳам аниқланди.

Кетма-кет жиноий ҳаракатларга қўл урган ширкат раисининг ноқонуний ишлари бирма-бир юзага чиқди. Суд залда ўз айбига иқдор бўлган ширкат раиси Т.К. айбли деб топилди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

**Акбар ЗАРИПОВ,**  
департаментнинг Урганч шаҳар бўлими инспектори





## FAOLIYATIDAN

# МУШТУМЗЎР ТАЛАБА

«Уф-ф, булар яна келишибди-ю? – Маъруфнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) энсаси қотди. – Ҳозир кўрсатиб қўяман уларга...». Маъруф шундай деганча отасига нималарнидир тушунтираётган МИБ ходимлари олдига юриб берди.

Маъруфнинг отаси Махмуд Самадов суд қарори билан бошқа турмушдан бўлган фарзандлари учун алимент тўлаши белгиланган, бироқ у бир неча йилдан буён оталик бурчидан қочиб, тўловни пайсалга солиб келарди.

Вақт ўтгани сайин анча қарз йиғилиб қолди. Шунда ҳам тўлай демади. Шу боис Норин тумани маъмурий судининг 2018 йил октябрдаги қарорига кўра унга нисбатан ўн беш сутка қамок жазоси тайинланди.

М.Самадов бундан ҳам хулоса чиқармади. Аксинча, МИБ ходимлари уни бир неча марта огоҳлантиришига қарамай, уларнинг қонуний талабига чап бериб юраверди. Қарзи 32 млн. 760 минг сўмга етди.

Тушунтириш ишлари самара бермагач, ундирув унга тегишли мулкка қаратилди. МИБ ходимлари 2020 йил 6 февраль кунини М.Самадовнинг Норин тумани Шўралик маҳалласидаги хонадонига бориб, мулкни хатловдан ўтказмоқчи бўлишди. Битта қўйни хатлашди ҳам.

Шу паллада М.Самадовнинг 1993 йилда туғилган ўғли «кутилмаган меҳмонлар»нинг ҳам ишидан ғазабланиб, ўзича ўйин бошлади.

– Кани, уйга кириңлар, ичкарида бошқа буюмлар ҳам бор, – деди у ўз вазифасини бажараётган давлат ижрочисини алдаб.

Табиики, ижрочи унинг гапига ишониб, ортидан у бошлаган хонага кирди. Маъруфга

айни шу керак эди. У тезда хона эшигини кулфлаб, ижрочини калтаклай кетди. Оқибатда ижрочининг чап қўли синиб, туман шифохонасига ётқизилди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Норин тумани судида кўриб чиқилиб, муштумзўр талаба – Маъруф Самадовга нисбатан 3 йилу 4 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Бу ёғига хулоса ўзингиздан. Ақлига эмас, мушга ишонган ўғил ёки оталик масъулиятдан бўйин товлаган ота нима ютди-ю нима ютқазди?!

**Зоҳиджон УМАРОВ,**  
МИБ Наманган вилояти бошқармаси катта инспектори

## НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАРДА БОСИҚЛИК БИЛАН

МИБ Навоий вилояти бошқармаси томонидан мамлакатимизда эълон қилинган карантин боис аҳоли хавфсизлиги, саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Бирок пандемия даврида ҳам фуқароларимиз томонидан электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш, ҳисобга олиш асбобларига шикаст етказиш ҳолатлари камаймади.

Хусусан, Навоий шахрида истикомат қилувчи Лайло Алимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хонадонидан электр тармоқларга ўзбошимчилик билан тўғридан-тўғри уланиб олгани оқибатда таъминотчи корхонага 9 млн. 927 минг 812 сўм зарар етказган.

Истеъмолчи зарарни тўлиқ қоплади, содир этган ҳуқуқбузарлиги учун эса МЖТКнинг 101-моддасига асосан 1 млн. 115 минг сўм жарима ҳам тўлади.

Эътибор қаратинг, 1 июнь кунига қалар истеъмолчилар электр энергияси ва табиий газдан

фойдаланиши билан боғлиқ 133 та ноқонуний ҳолат аниқланган. Етказилган 178 млн. 986 минг сўм моддий зарарнинг 156 млн. 513 минг сўми ёки 87,5 фоизи ундирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳоли билан тўғри ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш, айрим низоли ҳолатларда босиқлик билан фуқароларга қонуний тушунчалар бериш бурчимиздир. Айни пайтда бюронинг ҳар бир вақили айни шу мезонлар асосида фаолият олиб бормоқда.

**Аминжон АБАЗОВ,**  
МИБ Навоий вилояти бошқармаси бўлим катта суриштирувчиси

## БЕШ КУНДА ЯҚУНЛАНДИ

Суд ҳужжатига асосан «Кўқон сара уруги» МЧЖдан Кўқон шаҳар солиқ инспекциясига 631 млн. сўм ундирилиши белгиланган.

15 май кунини МИБ шаҳар бўлими томонидан ижро иши кўзга тутилган ҳамда қарор нуҳаси қорхонанинг мансабдорларига топширилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган. Қарздор 16 май кунини бўлимга жамиятдан «Реал транс логистик» унитар қорхонаси 700 млн. сўмга яқин дебитор қарздорлигига оид ҳужжатларни тақдим этди. Унитар қорхона қарздорлигини тасдиқлагач, унга ижро ҳужжати келиб тушгани маълум қилинди.

19 май кунини «Реал транс логистик» унитар қорхонаси ҳеч қандай тўқниликсиз Кўқон шаҳар солиқ инспекциясига «Кўқон сара уруги» МЧЖнинг 631 млн. сўм қарзини ва 12 млн. 620 минг сўм ижро йиғимини тўлаб берди.

**Жамолддин ОДИЛОВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

## БОЛАЛИК ОНАСИГА ОЛИБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенглик билан, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» дея белгилаб қўйилган.

Бюронинг Шаҳрихон тумани бўлими иш юри-тувиға фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманларо судининг 2020 йил 4 мартдаги ижро ҳужжати келиб тушган. Унда 2017 йил 27 июнда тутилган М.Абдувалиев ва 2014 йил 4 майда тутилган О.Абдувалиевани отаси О.Султоновдан онаси Р.Султоновага олиб бериш ҳамда отадан 461 610 сўм суд ҳаражати ундириш белгиланган.

2020 йилнинг 28 май кунини бюронинг Шаҳрихон тумани бўлими давлат ижрочилари тегишли органлар ва ҳолислар иштирокида болаларни онасига олиб берди. Шунингдек, О.Султоновдан 461 610 сўм суд ҳаражати ундирилиб, Р.Султоновага топшириди.

**Сардор КАРИМОВ,**  
МИБ Шаҳрихон тумани бўлими бошлиғи

## БАҒРИКЕНГЛИКНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

Мажбурий ижро бюросининг Чиноз тумани бўлими энергия ресурслари ҳамда маиший чиқиндидан дебитор қарздорликни қисқартириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, қарздор истеъмолчиларга талабнома жўнатилиб, қарзлар ундириляпти. Кўрсатилган муддатда пулни тўламаган қарздорларни тармоқдан узиш, қарзни ундириш учун таъминотчи қорхоналар томонидан судларга даъво аризалари киритилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг ўтган даврида бўлим томонидан истеъмолчилардан энергия ресурслари ҳақини ундириш мақсадида жами 4 млрд. 402 млн. сўмлик 782 та инкассо топширини қўйилиб, шундан 3 млрд. 400 млн. сўми ундирилди. Масалан, «Chinoz textile» МЧЖнинг ҳисобрақамига қўйилган инкассо топширини орқали фойдаланилган электр энергияси учун 800 млн. сўм, «Textile technologies group» МЧЖдан 215 млн. сўм, «Grand art ceramics» МЧЖдан табиий газ учун 70 млн. сўм ундирилган.

Коронавирус пандемияси даврида қарздор жисмоний шахслардан тўловларни ундиришда муаммо бўляпти. Чунки аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга талабнома ҳам берилмаяпти, қарздорлар тармоқдан узилмаяпти ҳам. Бундан эса айрим виждонсиз одамлар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётгани афсусланарли ҳолдир. Масалан, пандемияни баҳона қилиб, аввалги қарзини ҳам тўламаётганлар бор. Ҳатто бундайлар одамлар орасида «Давлатимиз ишлагилган свет билан газ ҳақини тўламастикка руҳсат берган» қабилида гап таркатаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Ишлатилган энергия ҳақи хонадон эгасининг бўйидаги қарз. Бу қарзни бутунми, эртагами албатта тўлаш керак. Яхшиям, аксарият фуқаролар шунинг англаган ҳолда, ҳозирги шароитга қарамай, фойдаланилган энергия ҳақини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилаяпти. Бунда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тарғиботлар ҳам самара бермоқда. 5 ой давомида аҳолидан ишлатилган энергия ресурслари бўйича 13 млрд. 75 млн. сўмдан ортик маблағ ундиришга эришилди.

Бугунги синовли кунларда барчамиз биргаликда ҳаракат қилиб, коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб борсак, қарзларимиз кўпайиб кетмайди. Йиғилиб қолган қарзлар эса вақт ўтиши билан инсон хотиржамлигига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

**Абдуҳаёт ШОКИРОВ,**  
МИБ Чиноз тумани бўлими бошлиғи

## АЛИМЕНТ УНДИРИЛИБ, ОИЛАЛАР ЯРАШТИРИЛМОҚДА

Юртимизда эълон қилинган карантин даврида ҳам алиментлар ундирилиб, оилалар яраштирилмоқда.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманларо судининг 2018 йил 13 августдаги ҳужжатиға асосан В.Мўминовдан Г.Мўминовага икки фарзанди учун алимент ундириш белгиланган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида 2020 йилнинг апрель ойида 4,5 млн. сўм алимент қарзи ундирилиб, Г.Мўминовага топширилди.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманларо судининг 2020 йил 5 февралдаги ижро ҳужжатиға кўра С.Икромовдан Р.Икромовага икки фарзанди учун алимент ундириш белгиланган.

Ўтган давр давомида ушбу фуқаролар оила муқаддаслиги, фарзандларининг келажақда ватан учун керакли инсон бўлиб етишиши ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишида ота-она бирдай масъуллигини ҳис қилган ҳолда ярашишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган «Алиментларни олдидан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низоมนинг 9-бандида алиментларни олдидан тўлаш тартиби кўрсатилган.

Бюронинг Чуст тумани бўлими иш юритувида фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманларо судининг С.Ориповдан Т.Азизовага икки фарзанди учун алимент ундириш ҳақидаги қарори мавжуд.

Қарздор алиментни ойма-ой тўлаб бормоқда. Бирок чеклов қўйилгани сабабли хоризжга чиқолмай юрган эди. Айнан ушбу масала юзасидан муурожаат йўллаб, тушунтириш олгани ўз самарасини берди. У А.Турсунова билан келишув тузиб, беш йиллик – 2025 йилнинг февраль ойига қадар тўлаши лозим бўлган 48 млн. 848 минг 125 сўм алиментни олдидан тўлади.

Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманларо судининг ажри-мига асосан унга нисбатан жорий этилган чеклов олиб ташланди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган тушунтириш ишлари ота-оналарнинг масъулиятини ошириб, алиментни ўз вақтида тўлаб боришига хизмат қилмоқда.

**Абдухалим УМАРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

Жанубий Корея COVID-19 га қарши кураш дастури доирасида Ўзбекистонга ёрдам ажратади.



# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган Матназар Атабаев табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомидида Урганч шаҳар прокуратурасида иш ўрганивчи, катта терговчи, Хоразм вилояти прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Урганч шаҳар прокурорининг ўринбосари, Урганч шаҳар прокурори, Урганч тумани прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, Жиззах вилояти прокурори, Янгиариқ тумани прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга масъулият билан ёндашди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимиийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди. Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашди.

Матназар Атабаевнинг узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Хурматли Матназар Атабаев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

## ЎЗБЕКИСТОН – ЮНЕСКО:

# ҲАМКОРЛИК ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

Жаҳон ҳамжамияти Иккинчи жаҳон урушидан сўнг маданий алоқаларни тиклаш, илм-фани ривожлантиришга катта эътибор қаратди. БМТнинг тинчликни таъминлашга хизмат қилувчи фаолияти кенгайиб, унинг қатор соҳаларга ихтисослаштирилган таркибий тузилмалари яратилди.

Шу жумладан, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО халқлар ўртасида маданий ва маърифий алоқаларни мустақкамлаш орқали глобал хавфсизликка эришишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

ЮНЕСКО 1945 йил 16 ноябрда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон унга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда Тошкентда унинг ваколатхонаси очилди. Ҳозирги кунда ЮНЕСКОга икки юзга яқин давлат аъзо. Бу ҳам ташкилотнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори нақадар юксаклигидан далолатдир.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Францияга расмий ташириги чоғида ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан учрашганининг самараси ўлароқ, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида 2018 – 2021-йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

ЮНЕСКО бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш максасида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улугбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университети хузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанддаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетида ЮНЕСКО кафедрасини очиб бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Натияжада Ўзбекистондаги бир қатор олий таълим муассасаларида ЮНЕСКО кафедралари фаолияти йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўшма маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисида. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳамда Халқаро мақом санъати форумида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.



Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган боболаримизнинг, кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейларини ва бошқа нуфузли маданий тадбирларни ўтказишда ҳам ЮНЕСКО вакиллари фаол қатнашади. Бу тарихимизга ҳурмат каби улуг алломаларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент шаҳарлари, шунингдек, «Алпомиш» дostonи ва Хоразм Маъмур академиясининг тарихий саналари ташкилот ҳамкорлигида юксак даражада нишонланди.

Давлатимиз 1995 йилнинг 22 декабрида Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Мазкур халқаро ҳужжатда баъзи географик жойлар оламшумул аҳамият касб этиши таъкидланиб, халқаро муҳофазага олинган. Самарқанд ва Шахрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуғи ана шундай юксак мақом берилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида сақланаётган Усмон мусафий ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида тўпланган нодир қўлёзмалар «Жаҳон хотираси» рўйхатида киритилган. Яшариш ва янгилиниш айёми – Наврўз байрами, «Катта ашула», «Пашмақом» кў-

шиклари, Бойсун миллий фольклор анъаналари инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатидан жой олган.

Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, ваколатхона Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва зирликлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим даргоҳларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда фаол иштирок этмоқда.

Сўнгги йилларда ваколатхона Буюк Британия ҳукумати молиялаштирган медиа-лойиҳалар доирасида ўзбек медиаси салоҳиятини ошириш бўйича кўп иш қилди. Хусусан, талаба журналистлар ва журналистика соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг саводхонлигини ошириш, журналистика хавфсизлиги ва оммавий ахборот воситаларида жазосизликка қарши курашни, сифатли журналистика орқали сўз эркинлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ваколатхона 2019 – 2020-йилларда Буюк Британия ҳукумати молиялаштирган «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик манфаатларига хизмат қилиш имкониятларини ошириш. 2-босқич» номи лойиҳа доирасида ҳам журналистикани қўллаб-қувватлаш, талабалар учун сифатли ва янги медиа тенденцияларни тарғиб этиш ва ўзлаштиришга мўлжалланган қўлланмалар яратиш ҳамда аҳоли ва ОАВ истеъмолчилари орасида ёлгон ахборотлардан огоҳ бўлиш ва хабардорликни ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширди. Жумладан, журналистикада янги йўналиш ҳисобланган дата журналистикани (маълумотлар журналистикаси) тарғиб этиш бўйича семинарлар ташкил этилди. Ёш журналистлар учун «Дезинформация ва этика масалалари» мавзусида очик онлайн курслар ташкил этилди, қолаверса, шу мавзуларга бағишланган қўлланма ва дарсликлар нашр қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

**Баргида МҮМИНЖОНОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети магистри

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMUDDINOV  
Utkirjon DEKKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85**



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
[i] – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4210.  
18 930 nusxada bosildi.  
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 besma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокуратура академияси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийлари Фахри Рахимовга акаси **Анвар РАХИМОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа тумани прокурорининг ўринбосари Масежон Султановга падари бузруквори **Самежон СУЛТАНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдирлади.

Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоалари бошқарма АКТни жорий этиш маркази дастурловчиси Данияр Файзуллаевга турмуш ўртоғи **Зулфия ИСЛАМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

**БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилнинг январь—апрель ойларида коронавирус пандемияси тўғрисида тўғри қарашларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши 97 фоизга қисқариб кетган.**

25-ИЮН 2020-Й.

HUQUQ № 25

(1222)

11

Меҳр-муҳаббат асосига қурилган оила мустаҳкам бўлади. Ўн саккиз ёшдан ошган, ФХДЁга ариза берган бўлажак қувёв ва келинга синов муддати берилади. Аҳдлари қатъий ёшлар никоҳланади. Қонунчилигимизда ФХДЁда никоҳи қайд этилганидан кейин шаръий никоҳдан ўтиш мумкинлиги белгиланган. Ушбу талабга амал қилмасдан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан бериладиган ваколатга эга бўлмаган ҳолда шаръий никоҳ ўқиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

## "УЧ СЎМ ПУЛ, БИР КАЛЛА ҚАНД..." ВА БЕШ СУТКА ҚАМОҚ

Яқинда Қўштепа туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносига бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида эллик ёшдан ўтган ҳуқуқбўзар М.Бойдадаевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иши қўрилди. У 2020 йилнинг 18 май куни никоҳ ўшига етмаган, 17 ёшга кирган М.Қодировани Д.Ёрқуллова шаръий никоҳлаб, диний маросимларни ўтказиш қондасини бузган.

– Ҳақиқатан фуқаро Дадабой Ёрқуллова воёга етмаган Муножат Қодировани никоҳладим, – деди айбига тўлиқ иқрор бўлган ҳуқуқбўзар. – Қувёвнинг онаси олдимга келавериб ҳоли-жонимга қўймади. Никоҳ ўқиганим учун хизмат ҳақи олдим. Қилмишимдан астойдил пушаймонман, бу бошқа такрорланмайди.

Ҳуқуқбўзар М.Бойдадаевга базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробарига тенг жарима жазоси тайинланди.

Шунга ўхшаш ҳуқуқбўзарликни илгари тўрт марта маъмурий жавобгарликка тортилган 52 яшар Қ.Валижонов ҳам содир этган.

– Раҳимжон Жумаевга беш йил аввал турмушга чиққанман. Келишмовчиликлар туфайли мени ота-онамникига кеткизиб юборишди. Турмуш ўртоғим 2020 йил апрель ойида ноқонуний никоҳ ўқитиб бошқа аёл билан яшаб келяпти. Ўртамида қонуний никоҳ

бор, турмуш ўртоғим билан яшаш ниятидаман. Бир болаимнинг тақдирини билан ҳеч қандай қизиқмапти. Никоҳ ўқиган домлага қонуний чора қўришингизни сўрайман, – деди жабрланувчи Зиёдаҳон Жумаева.

Ҳуқуқбўзар Қ.Валижонов оилавий келишмовчиликлар туфайли рафиқаси билан яшамай қўйган жиянининг қонуний никоҳини бекор қилишга уринишгани, бўлмаганидан сўнг уни бошқа қизга никоҳлаб қўйганини тан олди. Ҳеч қандай ваколатга эга бўлмагани ҳолда амалдаги қонун талабларини бузиб никоҳ ўқигани учун унга 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Маҳалла раислари билан биргаликда юқоридаги каби воёга етмаган қизларни турмушга узатишининг, тушунмовчилик туфайли ажралишларнинг олдини олиш, тарафларни муросага келтириб оилани тиклаш тadbирлари ўтказиб келинмоқда.

**Садирли МИРЗОКАРИМОВ,**  
Қўштепа тумани прокурорининг ўринбосари

JARAYON

### ҲАЖГА БОРИШ НАВБАТИ НИМА БЎЛАДИ?

**Саудия Арабистони Ҳаж ва умра ишлари вазирлиги бу йилги ҳаж мавсумини фақат Саудия Арабистонида бўлиб турган фуқаролардан иборат зиёратчилар учун чекланган миқдорда ташкил этишга қарор қилди. Шунга мувофиқ энди хорижий мамлакатлардан зиёратчилар қабул қилинмайди. Мазкур қарор юзасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита расмий баёнот берди.**

Қўмитанинг қайд этишича, 2020 йилнинг 27 февралдан коронавирус пандемияси сабабли Саудия Арабистонига кириш тақиқлаб қўйилган ва 14 март куни Ташкил ишлари вазирлиги орқали Саудия Арабистони подшоҳлиги Ҳаж ва умра вазирлигининг «Ҳаж-2020» мавсумининг ташкилий ишларини кечиктириб туриш тўғрисидаги расмий хати олинган эди.

Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ҳаж ва умра тadbирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши Саудия Арабистони қироли Салмон ибн Абдулазизнинг ҳожилар манфаатлари, уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан қабул қилган ушбу қарорини қўллаб-қувватлади ва 2020 йили ҳажга боришни режалаштирган фуқароларнинг навбати тўлиқ кейинги йилга ўтказилишини таъкидлади.

### СОҒЛОМ АЁЛ КАСАЛЛАНГАН ЭГИЗАКЛАРНИ ДУНЁГА КЕЛТИРДИ


**Мексикада  
коронавирус билан  
касалланган уч эгизак  
дунёга келди. Бу  
ҳақда «Korrespondent.  
net» хабар берди.**

Икки ўғил ва бир қизалоқ Сан-Луис-Потоси штатида 17 июнь куни дунёга келган. Шифохона тартибига биноан чакалоқлардан коронавирустеги учун намуна олинган. Натижада уч чакалоқда ҳам вирус аниқланган.

Штаг соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ушбу ҳолатни бутун дунё учун тушунарли деб атаган. Қайд этилишича, чакалоқларнинг ота-онасида коронавирустеги аниқланмаган.

Икки чакалоқнинг аҳоли яхши, уларда коронавирустеги аломатлари кузатилмаган. Учинчи чакалоқда касаллик белгилари пайдо бўлган. Унга ҳозир пневмония тахиси қўйилиб, назоратга олинган.

Мутахассисларнинг айтишича, бу бир вақтнинг ўзида бир неча чакалоқнинг коронавирустеги билан туғилишига оид биринчи ҳолат.



### ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЛИГАСИГА ТАЛАБ ҚЎЙИЛДИ

**Ўзбекистон профессионал футбол лигаси (ПФЛ) клубларни суперлига ўйинлари вақтида санитария-гигиена қондаларига қатъий амал қилишга қақирди.**

ПФЛ барча футбол клублари вакиллари билан учрашиб, ўйин вақтида майдонга туپурмаслик ва оғиз чайқаганда сувни майдонга ташламаслик шартларини қўйди. Футболчиларга бунинг учун майдон четига жойлаштирилган махсус идишлардан фойдаланиш уқтирилган.

ПФЛ мазкур талабларни халқаро ташкилотлар ҳам маъқуллаганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, мазкур тартибга бундеслига ва АПЛ ҳам риоя қилмоқда. ФИФА ҳам футболчиларнинг бу одатини тартибга солиш кераклигини

айтмоқда. Жумладан, ФИФА тиббий қўмитаси вакили Мишел д'Хоге футболчилар ўйин вақтида айрим одатларидан воз кечиши кераклигини, биринчи навбатда майдонга тупуришни тақиқлаш кераклигини айтган. Ҳатто тупурган футболчига сариқ карточка кўрсатиш қондасини жорий этишни тавсия қилган.

Вирусологлар агар симптомсиз бемор майдонга тупурса, бу вирус тарқалиши учун шароит яратишини, Covid-19 ташки мухитда уч соатгача тура олиши инобатга олинса, шу вақтда вирус майдон чимидан тўлга, бут-

саларга, кийимга ва қўлга ўрнатиши, улардан қўз, бурун ва оғизга тушиш эҳтимоли борлигини таъкидлашган.

Шунингдек, ПФЛ агар бирор клуб вакилида коронавирустеги аниқланадиган бўлса, бутун жамоа карантинга олинишини ҳам эслатиб ўтди. Бундай ҳолат эса жамоаларни қийин аҳволга солиб қўйиши табиий.

Эслатиб ўтамиз, Россиянинг «Ростов» клубида коронавирустеги чалиниш қайд этилган ва асосий тарқибнинг барча аъзоси 14 кунлик карантинга олинган. Шундан сўнг жамоа чемпионат доирасида «Сочи»га қарши кечган ўйинда ёшлар жамоасидаги футболчилардан фойдаланишга мажбур бўлди ва 1:10 ҳисобида ютказди.

### ОЧИҚ ҲАВЗАДА ЧЎМИЛГАНДА ВИРУС ЮҚИШИ МУМКИНМИ?

**Айни вақтда коронавирустеги очик ҳавзаларда чўмилиш орқали юқиши мумкинлиги тўғрисида илмий далиллар йўқ. Бу ҳақда «Роспотребнадзор» экспертига таяниб ТАСС хабар берди.**

«Коронавирус инсондан инсонга асосан ҳаво-томчи орқали юқди. Очик сув ҳавзаларида бактериялар ёки паразит инфекцияси билан касалланиш эҳтимоли мавжуд, бироқ коронавирустеги эмас», – деди «Роспотребнадзор»нинг Эпидемиология марказий илмий тадқиқот институти эксперти Михаил Лебедев.

Унинг таъкидлашича, очик ҳавзаларга жуда кўп миқдорда қувёв нури тушгани сабабли уларда коронавирустеги бўлмайди.

### ЭНДИ ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРДА ҲАМ ТЕСТ ЎТКАЗИЛАДИ

**Ўзбекистонда 24 июндан бошлаб хоҳловчиларга коронавирустеги аниқлаш бўйича тестни нодавлат тиббиёт муассасаларида пулли асосда топширишга рухсат берилди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилди.**

«Мамлакатимизда коронавирустеги инфекциясини эрта аниқлаш қўламини кенгайтириш ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, қатор ташкилот ва фуқароларнинг бу ҳақдаги мурожаатларини эътиборга олиб, 2020 йил 24 июндан бошлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари ҳамда фуқаролар учун ушбу инфекцияга тахлил топширишда ихтиёрий, пулли асосда нодавлат тиббиёт ташкилотлари хизматларидан ҳам фойдаланиш имконияти яратилди», – дейилади вазирлик хабарига.

Эндиликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказлари билан шартнома имзолаган ҳамда лабораторияси талабга жавоб бериши тўғрисидаги хулосани олган барча нодавлат тиббиёт ташкилотлари коронавирустеги инфекциясини фақат полимер занжирли реакция (ПЗР) усулида текшириши мумкин.

Лаборатор тахлил учун намуна (суртмалар) нодавлат тиббиёт ташкилотининг ўзида, шу билан биргаликда, сўровга кўра мурожаат қилувчининг ташкилотига, фуқароларнинг уйда ҳамда махсус автотранспортларда олиниши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди